



Асоссиз бойлик орттиришдант келиб чиқадиган мажбуриятлар тушунчаси ва МОҲИЯТИ

Бош прокуратура хузуридаги
Мажбурий ижро бюроси Избоскан туман
бўлими бошлиғи адлия кичик маслаҳатчиси: **Алимов Махсуджон Махмудович**

Асоссиз бойлик орттиришдан келиб чиқадиган мажбуриятларни қоплашнинг ҳуқуқий асослари ўзига хос тарзда ривожланиши ва ушбу муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солинишидаги ҳуқуқий тизимлардаги ўзига хосликлар ушбу институтни илмий-назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этиш ва бу борадаги қонунчиликни такомиллаштиришни талаб қилади.

Маълумки, мажбуриятлар фуқаролик ҳуқуқининг ўзига хос ва катта институтларидан бири ҳисобаланди. Шунингдек, мажбуриятлар фуқаролик муомаласини таъминлашда ҳам муҳим ўрин тутди. Шу сабабли мажбуриятларнинг алоҳида тури ҳисобланган шартномалар иқтисодий муносабатлар тизимида асосий ҳаракатлантирувчи куч вазифасини ўтайди ҳамда фуқаролик ҳуқуқи субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилашда ва уларни амалга оширишда ўзига хос ҳуқуқий восита сифатида аҳамиятга эга бўлади. Шартномалар билан бирга мажбуриятларнинг шундай турлари борки, уларнинг асосий мақсади субъектларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишининг олдини олиш билан бирга, ушбу ҳуқуқларни тиклаш вазифасини бажаради. Бундай турдаги мажбуриятлар умумий тарзда “шартномадан ташқари мажбуриятлар” – деб номланади. Ўз навбатида шартномадан ташқари вужудга келадиган мажбуриятларнинг бир томонлама ҳаракатлардан вужудга келадиган мажбуриятлар, зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар ва асоссиз ортириш оқибатидан вужудга келадиган мажбуриятлар каби турлари мавжуд ҳисобланади.

И.Б.Зокировнинг фикрича, шартномасиз мажбуриятлар шахснинг эрк-иродасидан ташқарида юз беради ёки бир томонлама ҳаракат натижасида келиб чиқади. Унинг қуйидаги турлари мавжуд:

1. Бир томонлама ҳаракатлардан келиб чиқадиган мажбуриятлар: омавий танлов, мукофотни ошкора ваъда қилиш (ФКнинг 976-982-моддалари);

2. Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар (умумий асосларда зарар етказиш (бош ва маҳсус деликт) (ФКнинг 985-1004 моддалари), фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш (ФКнинг 1005-1016 моддалари), товарлар, ишлар, хизматлардаги нуқсонлар оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш (ФКнинг 1017-1020 моддалари), маънавий зарарни қоплаш (ФКнинг 1021-1022 моддалари)

3. Асоссиз бойлик орттириш оқибатида келиб чиқадиган мажбуриятлар (ФКнинг 1023-1030 моддалари)¹.

Ҳ.Р.Раҳмонқуловнинг фикрига кўра, шартномасиз (шартномага асосланмаган) мажбуриятлар мажбуриятларнинг алоҳида туркуми сифатида қуйидагича бўлинади:

¹ Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. I қисм. – Тошкент: ТДЮИ, 2009. – 458 б.



а) бир томонлама ҳаракатлардан келиб чиқадиган мажбуриятлар: бегона шахснинг манфаатини кўзлаб топшириксиз ҳаракат қилиш, оммавий танлов, мукофотни ошқора ваъда қилиш;

б) ҳуқуқни муҳофаза қилишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар: зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар (фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш) ва асоссиз бойлик орттириш оқибатида келиб чиқадиган мажбуриятлар².

Дарҳақиқат, асоссиз бойлик орттиришдан келиб чиқадиган мажбуриятлар мажбуриятларнинг алоҳида тури сифатида фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш функциясини бажаради в бузилган ҳуқуқини тиклаш воситаси сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Фуқаролик ҳуқуқи бўйича дасрликларда асоссиз бойлик орттиришдан келиб чиқадиган мажбуриятлар тушунчасининг таърифи берилмаган. Масалан, “Фуқаролик ҳуқуқи” махсус қисм дарслигида мазкур тушунчанинг таърифи берилмаган. Бундай таъриф амалдаги фуқаролик қонунчилигида ҳам ўз ифодасини топмаганлигини кўришимиз мумкин. ФКнинг 1023-моддаси “Асоссиз орттирилган бойликни қайтариш мажбурияти” – деб номланади ва бу ибора “Асоссиз бойлик орттиришдан келиб чиқадиган мажбуриятлар” (ФКнинг 58-боби айнан шундай номланади) атамаси билан бир хил маъно касб этмайди. Гарчи 58-бобнинг номи “Асоссиз бойлик орттиришдан келиб чиқадиган мажбуриятлар” деб номланган бўлса-да, бу тушунчанинг легал таърифи ФКда белгиланмаган. Кодексда асоссиз орттирилган ёки тежаб қолинган мол-мулк жабрланувчга қайтариб бериш лозимлиги кўзда тутилган холос. Жумладан, ФКнинг 1023-моддаси биринчи қисмида айнан шу қоида белгиланган.

Бундай қоида умумий тарзда мажбуриятнинг анъанавий конструкциясига мос тушади. Яъни, бир шахс қарздорнинг кредитор фойдасига муайян ҳаракатни қилиш ёки ҳаракатдан тийилиб туриши қондаси асоссиз орттирилган бойликни қайтариш муносабатида ҳам қўлланилади ва қарздор – қонун ҳужжатларида ёки битимда белгиланган асосларсиз ўзгага тегишли бўлган мол-мулкни эгаллаб олган (қўлга киритган) шахс ана шу мол-мулк (бойлик)ни кредитор – жабрланувчига қайтаришга оид ҳаракатларни қилишга мажбур ҳисобланади. Д.М.Караходжаеванинг фикрича, асоссиз орттирилган ёки тежаб қолинган бойлик мажбуриятларнинг объекти бўлиб, асоссиз бойлик орттирган шахснинг асоссиз орттирилган ёки тежаб қолинган бойликни кредиторга қайтариши бўйича қиладиган ҳаракатлари ҳисобланади”³.

Таъкидлаш лозимки, ўз вақтида “асоссиз бойлик орттириш оқибатида келиб чиқадиган мажбуриятлар” ибораси танқид остига олинган эди. Айниқса, собиқ иттифоқ давридаги цивилист олимлар ўз асарларида “асоссиз бойлик” атамаси совет жамиятига мос эмаслиги, совет жамиятида “бойлик” атамаси салбий атама эканлигини, совет кишилари учун “бойлик орттириш” бегона воқъелик эканлигини таъкидлашган ва “асоссиз бойлик орттириш” ни “асоссиз эгаллаш” ва “асоссиз тежаш” атамалари билан алмаштириш лозимлигини таъкидлашган ҳамда “асоссиз

² Раҳмонкулов Х. Мажбурият ҳуқуқи (умумий қоидалар). – Тошкент: ТДЮИ, 2005. – 20 б.

³ Караходжаева Д.М. Асоссиз бойлик орттириш оқибатида келиб чиқадиган мажбуриятлар/Фуқаролик ҳуқуқи. Иккинчи қисм. – Тошкент: Илм-Зиё, 2008. – 636-637 с.



бойлик орттириш” хусусидаги хорижий цивилистларнинг фикрларини танқид остига олишган⁴. Бироқ ушбу атамага нисбатан муносабат совет иттифоқи барҳам топиши билан ўзгарди ва бугунги кунда “асоссиз бойлик орттириш оқибатида келиб чиқадиган мажбуриятлар” атамаси тўғри ва ўз ўрнида қўлланилган атама сифатида баҳоланади.

Адабиётларда таъкидланишича, асоссиз орттирилган бойликни қайтариш мажбурияти ва бу турдаги ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келиши учун бир нечта шартлар мавжуд бўлиши лозим. Биринчидан, бир шахс иккинч шахс ҳисобидан бойиган бўлиши лозим. Яъни, бойиган шахс мол-мулкнинг кўпайиши, ўзи ҳисобидан бойиган мол-мулкнинг камайиши эвазига рўй бериши лозим. Бошқача, айтганда асоссиз орттирилган бойлик ва жабрланувчига тегишли бўлган мол-мулкнинг камайиши ўртасида сабабий боғланиш мавжуд бўлиши талаб этилади. Бу шартнинг мавжуд бўлмаслиги асоссиз бойлик орттириш оқибатида келиб чиқадиган мажбуриятлар мавжудлигини инкор қилади ёки бойлик орттирувчи ва жабрланувчи ўртасидаги муносабатлар вужудга келмаганлигини англатади. Масалан, супермаркет сотувчи камёб товарлар сотувга қўйилганлигини билиб, ўз ёнидан шундай товарларнинг бир нечасини пулини тўлаб чек ўради ва ушбу чекларни юқорида баҳода харидорларга пуллайди. Бунда сотувчи асоссиз бойийди. Бироқ бунда супермаркет сотувчига нисбатан асоссиз орттирилган бойликни қайтаришни талаб қила олмайди. Чунки, сотувчи бу бойликни супермаркет ҳисобидан эмас харидорлар ҳисобидан қўлга киритган. Ўз навбатида харидорлар ҳам бундай талаб билан чиқа олмайди. Зеро улар сотувчи билан ўзаро келишиб, юқори баҳода ва камёб товарни сотиб олган. Бу ҳолатда сотувчи ва харидор ўртасидаги муносабат сотувчининг ноқонуний фаолияти натижаси ҳисобланади ва сотувчи ва харидорлар ўртасида тузилган битим ғаразли мақсадларда тузилганлиги сабабли ҳақиқий эмас деб топилади ва битим юзасидан сотувчи қўлга даромад давлат фойдасига ўтказилади. Бинобарин бунда мулкнинг янглишмасдан, атайин қасддан асоссиз олинган ҳоллари рўй бериши мумкин. Ҳайриқонуний ёки давлат манфаатларига зид қилинган хатти - ҳаракатлар туфайли ўзгалар ҳисобига асоссиз бойлик орттирган шахс асоссиз олинган мулкни қонунда назарда тутилган ҳоллардан бошқа ҳолатларда давлат даромадига ўтказиши лозим, яъни ҳақиқий бўлмаган битимлар тузиш йўли билан олинган асоссиз бойликлар тўғридан-тўғри давлат даромадига ўтказилади⁵.

Иккинчидан, бир шахснинг бошқа шахс ҳисобидан бойиши қонун ёки битимда кўзда тутилган тегишли асослар мавжуд бўлмаган содир бўлиши лозим. Масалан, алимент олиш ҳуқуқига эга бўлган шахс алимент тўлашга мажбур бўлган шахс ҳисобидан ўз мол-мулкни кўпайтириб боради, бироқ бунда асоссиз бойлик орттириш муносабати кўзга ташланмайди. Чунки, алимент тўлаш қонунга асосланади. Шунингдек ҳадя олувчи ҳам ҳадя берувчи ҳисобига ўзининг мол-мулки

⁴ Қаранг: Новицкий И.Б., Лунц Л.А. Общее учение об обязательствах. – М.: Юрид.лит. 2005. – С.197-199.; Флейшиц Е.А. Обязательства из причинения вреда и из неосновательного обогащения. – М.: Юрид.лит., 200. – 211 с; Иоффе О.С. Советское гражданское право (курс лекций). Отдельные виды обязательств. – Ленинград: ЛГУ, 1961. – 516 с.

⁵ Караходжаева Д.М. Асоссиз бойлик орттириш оқибатида келиб чиқадиган мажбуриятлар / Фуқаролик ҳуқуқи. Иккинчи қисм. – Тошкент: Илм-Зиё, 2008. – 637 с.



миқдорини кўпайтиради, лекин бу ерда ҳам асоссиз бойлик орттириш муносабат кўзатилмайди, зеро ҳадя бериш шартномага асосланади.

Бойлик орттириш қонуний асослар бу жараённинг бошида мавжуд бўлмаган ёки унинг натижасида кўзга ташланмаган бўлса асоссиз ҳисобланади. Масалан, банк янгилиб хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисобрақамига унга тегишли бўлмаган пул маблағларини ўтказди ва бунда бойийиш бу жараён бошланишидаёқ асоссиз ҳисобланади, чунки, бу хўжалик юритувчи субъект ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш учун ҳеч қандай қонуний асос мавжуд эмас эди. Агар васият бўйича ворис мерос тартибида ўзига олган барча мол-мулкни сарфлаб қўйгани ҳолда, кейинчалик васиятнома ҳақиқий эмас деб топилса ва мерос мулкига нисбатан ҳуқуқ қонун бўйича ворисларга тегишли бўлса, дастлаб мавжуд бўлган асос қонунда белгиланган тартибда васиятнома ҳақиқий эмас деб топилиши билан барҳам топади.

Бойлик орттиришнинг асоссизлиги туси уни объектив жиҳатдан ҳуқуққа хилофлигини англатади⁶. Бироқ бу қоидадан асоссиз бойлик орттиришга олиб келадиган ҳаракатларнинг ўзи ҳам ҳар доим ҳуқуққа хилоф бўлади, - деган хулосага келиб бўлмайди.

Биринчи навбатда асоссиз бойлик орттириш ҳаракатларнинг эмас, табиат ҳодисаларининг натижаси ҳам бўлиши мумкин. Масалан, турли мулкдорларга тегишли бўлган мулкларнинг аралашиб кетиши (масалан, бир нечта шахсга тегишли бўлган буғдойнинг аралашиб кетиши) кучли шамолнинг таъсири натижасида рўй бериши мумкин. Бунда мулкига бегона ашёлар қўшилиб кетган мулкдор бошқа шахс ҳисобидан бойлик орттиради. Бироқ бу ҳолатда ноқонуний ҳаракат хусусида ҳеч қандай сўз ҳам бўлиши мумкин эмас.

Бошқа томондан олганда, бойлик орттириш жабрланувчининг ҳаракатлари натижаси ҳам бўлиши мумкин. Масалан, РАУНЕТга телефон учун пул тўлашда шахс ўз рақами ўрнига янгилиб бошқа рақамни айтиб юборди ва натижада бошқа фуқаро асоссиз бойлик орттирди. Бунда ҳам асоссиз бойлик орттирган фуқаро томонидан ғайриқонуний ҳаракат амалга оширилган ҳисобланмайди, гарчи у томонидан асоссиз бойлик орттирилган бўлса-да.

Лекин асоссиз ортирилган бойлик шахснинг ғайриқонуний ҳаракати натижасида ҳам вужудга келиши мумкин. Бундай ҳолатда бойлик орттирган шахснинг ҳаракатлари мулкдорнинг эркидан ташқарида қонуний асосларсиз мол-мулк олишга қаратилиш ҳуқуққа хилофликини англатади. Лекин асоссиз ортирилган бойликни қайтаришда бу бойликнинг ўтиш асоси ҳуқуққа хилоф ҳаракат натижаси эканлиги ёки бундай ҳаракатларнинг ҳуқуққа хилоф эмаслиги аҳамият касб этмайди ва бойлик асоссиз орттирилган деб ҳисобланганда у албатта қайтарилиши лозим бўлади.

Мазкур фикрларни хулоса қилиб, асоссиз бойлик орттириш оқибат келиб чиқадиган мажбурият деганда қонун ҳужжатларида ёки битимда белгиланган асосларсиз бойлик орттирган шахснинг ушбу бойлик (асоссиз олинган ёки тежаб қолинган мол-мулк) ни жабрланувчига натура ҳолида қайтаришига ёки унинг қийматини тўлашига қаратилган ҳаракатларни қилишига айтилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

⁶ Новак Д.В. Неосновательное обогащение в гражданском праве: дис. ... канд. юрид. наук. – М.: 2006. – 45 с.



1. Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. I қисм. – Тошкент: ТДЮИ, 2009. – 458 б.
2. Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. I қисм. – Тошкент: ТДЮИ, 2009. – 458 б.
3. Караходжаева Д.М. Асоссиё бойлик орттириш оқибатида келиб чиқадиган мажбуриятлар/Фуқаролик ҳуқуқи. Иккинчи қисм. – Тошкент: Илм-Зиё, 2008. – 636-637 с.
4. Қаранг: Новицкий И.Б., Лунц Л.А. Общее учение об обязательствах. – М.: Юрид.лит. 2005. – С.197-199.; Флейшиц Е.А. Обязательства из причинения вреда и из неосновательного обогащения. – М.: Юрид.лит., 200. – 211 с; Иоффе О.С. Советское гражданское право (курс лекций). Отдельные виды обязательств. – Ленинград: ЛГУ, 1961. – 516 с.
5. Караходжаева Д.М. Асоссиё бойлик орттириш оқибатида келиб чиқадиган мажбуриятлар / Фуқаролик ҳуқуқи. Иккинчи қисм. – Тошкент: Илм-Зиё, 2008. – 637 с.
6. Новак Д.В. Неосновательное обогащение в гражданском праве: дис. ... канд. юрид. наук. – М.: 2006. – 45 с.